
“ИННОПРОМ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ” ХАЛҚАРО САНОАТ КЎРГАЗМАСИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СЕССИЯСИДА ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуасида 25 апрель куни бошланган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасининг бизнес дастури доирасида ташкил этилган “Худудий саноат сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш: ҳамкорлик форматлари, энг яхши амалиётлар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари” мавзусидаги ихтисослаштирилган сессияда Фарғона вилояти иқтисодий-инвестицион салоҳиятининг тақдими ўтказилди.

Ўзбекистон, Россия, Белорусь, Венгрия, Франция, Қозоғистон ва бошқа давлатлардан 700 дан ошiq ишлаб чиқариш компаниялари ва бизнес делегациялари, расмийлар иштирокида бўлиб ўтаётган халқаро кўргазманинг бизнес-анжуманида вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев Фарғона вилоятида сўнгги йилларда олиб борилаётган бунёдкорлик жараёнлари, вилоятнинг улкан иқтисодий-инвестицион ва туристик салоҳияти, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Олимхон Рустамов, Россия саноат ва савдо вазирининг ўринбосари Алексей Беспрозванных, Узоқ Шарқ ва Арктикани ривожлантириш бўйича вазирининг ўринбосари Анатолий Бобриков, иштирокчи давлатлар ҳудудлари раҳбарлари ҳамда ишбилармонлари иштирокида бўлиб ўтган ушбу сессияда Фарғона вилоятининг технологик ўсиш макони сифатидаги истиқболлари юқори баҳоланди.

Бугун ўз ишини якунлайдиган “Иннопром. Марказий Осиё” кўргазмасидан кўзланган мақсад ҳам саноат соҳасидаги энг янги технологиялар ва ишланмаларни тарғиб қилиш, янги ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, битимлар тузиш ва натижада саноат кооперацияси бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишдан иборат.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-04-27 11:45:47